

ШАРТНОМА № 03
(СИҚИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА)

2022 йил « 05 » январь

Бағдод тумани

Бир томондан "QOQON REKORD - TRANS" МЧЖ, келгусида «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб номланувчи ўз Низомига асосан иш юритувчи раҳбар Н.Н.Усманов, иккинчи томондан келгусида «ИСТЕЪМОЛЧИ» деб номланувчи ўз Низомига асосан иш юритувчи раҳбари И. Зокиров Туздилар ушбу шартномани шу ҳақдаким:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ.

1.11 «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» ўзида мавжуд маҳсулотни етказиб бериш, «ИСТЕЪМОЛЧИ» эса етказиб берилган маҳсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади:

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Йил давомида умумий	Жумладан чораклар бўйича			
			1	2	3	4
Газбаллонли автомашиналар учун сиқилган табиий газ	м.куб.	499,9	499,9	-	-	-

1.2. «ИСТЕЪМОЛЧИ» нинг автомобилни сиқилган газ билан тўлдириш «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» нинг автомобилларга газ тўлдирувчи компрессор станцияси (АГТКШ) орқали амалга оширилади.

1.3. Етказиб берилган кун деб «ИСТЕЪМОЛЧИ» нинг автомобилни сиқилган газ билан тўлдирилган кун ҳисобланади.

2. ТЎЛОВ.

2.1. 1000 метр куб. сиқилган газ учун тўлов **2 800 000** (Икки миллион саккиз юз минг) сўм қилиб белгиланди. Ушбу қитъмат хом-ашё, ёқилғи-энергетик ресурсларни нархини ўзгариши ҳамда меъёрий далолатнома ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини ўзгариши баробарида ўзгариши мумкин. Шартнома тузиш вақтида шартноманинг умумий қиймати 1399420 (Бир миллион уч юз тўқсон тўрт юз саксон етти юз йоттидан) сўм,

2.2. Сиқилган газ учун тўлов, қонунда кўрсатилган шаклда, банк қоидаларига риоя қилган ҳолда, етказиб берилаётган кунни декларацияланган нархларини қайд қилиш реестрига асосан амалга оширилади.

2.3. Сиқилган газ тўлдириш «ИСТЕЪМОЛЧИ» ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» нинг ҳисоб рақамига ўтказгандан кейин амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «ИСТЕЪМОЛЧИ» ГБМ (газ балон мослама)ли автомашинани ишлатаётган (эксплуатация) вақтида техник ҳолатига, барча техника хавсизлиги қоидаларига тўлиқ жавобгардир.

3.2. «ИСТЕЪМОЛЧИ» мажбурияти:

«ИСТЕЪМОЛЧИ» нинг газ тўлдириш учун АГТКШга келган транспорт воситасида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар бўлиши шарт:

А) Газ балони техник синовдан ўтганлиги ҳақида ДАЛОЛАТНОМА

Б) Хайдовчи газ балонли автомобилни бошқаришга ўқиганлиги ҳақида гувоҳнома